

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГУЛЯМОВ ШЕРЗОД БАХРАМДЖАНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ТАШҚИ ВА ЎРТА ҚУЛОҚНИНГ**  
**МАЛФОРМАЦИЯСИНИ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШНИ**  
**ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССИРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

<b>Гулямов Шерзод Бахрамджанович</b> Болаларда ташқи ва ўрта қулоқнинг малформациясини жарроҳлик даволашни оптималлаштириш.....	3
<b>Гулямов Шерзод Бахрамджанович</b> Оптимизация хирургического лечения малформации наружного и среднего уха у детей.....	28
<b>Gulyamov Sherzod Bakhramdjanovich</b> Optimization of surgical treatment of malformations of the external and middle ear in children.....	53
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	59

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГУЛЯМОВ ШЕРЗОД БАХРАМДЖАНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ТАШҚИ ВА ЎРТА ҚУЛОҚНИНГ**  
**МАЛФОРМАЦИЯСИНИ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШНИ**  
**ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд-2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.DSc/Tib890 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Карабаев Хуррам Эсонкулович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Бакиева Шахло Хамидуллаевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор. <b>Диаб Хассан Мохаммад Али</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Свистушкин Валерий Михайлович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Доғистон давлат тиббиёт институти (Россия Федерацияси).</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 18 уй Тел /факс: (+99866) 2330766, 66233775 (366); e-mail: [www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел /факс: (+99866) 2330766, 66233775 (366); e-mail: [www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ж.А. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.У. Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Т. Насретдинова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Сўнгги йилларда болаларда учрайдиган туғма нуқсонлар, жумладан ташқи кулоқ аномалиялари карликка олиб келиши, бемор ҳаёт сифатини пасайиши ва ногиронликка сабаб бўлиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Ташқи эшитиш йўлининг туғма стенози ва атрезияси ташқи кулоқнинг энг кенг тарқалган нуқсонлари ҳисобланади. Баъзи муаллифлар маълумотларига кўра, «...ташқи эшитиш йўли туғма атрезиясининг тарқалиши 10000 нафар туғилишга 0,83-17,4 ни ташкил қилмоқда...»<sup>1</sup>. Ташқи кулоқ аномалияларини учраш даражасининг юқорилиги, касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва профилактика тизимини такомиллаштириш ҳамда уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда

Жаҳон миқёсида, болалар туғма касалликлари, жумладан ташқи кулоқнинг туғма мальформациялари клиник кўринишларини эрта ташхислаш, юқори технологияли жаррохлик усулларини қўллаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ташқи кулоқ туғма нуқсонлари ривожланишига таъсир этувчи турли эндоген ва экзоген омилларни аниқлаш, касалликнинг молекуляр-генетик омилларини аниқлаш, касаллик бошқа туғма нуқсонлар билан кечишининг клиник хусусиятларини баҳолаш, шунингдек, унинг жаррохлик усулида даволашнинг турли усулларини ишлаб чиқиш, ҳамда жаррохлик амалиётидан кейин қайта торайишларини олдини олиш учун самарали даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва болалар ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, болалар орасида туғма нуқсонли касалликларни эрта аниқлаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасиниянги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, болаларда ташқи ва ўрта кулоқнинг туғма нуқсонларини тарқалиш даражаси, ривожланишига таъсир қилувчи омилларни янги жиҳатларини аниқлаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Zhang T.Y, Bulstrode N, Chang K.W, Cho Y.S, Frenzel H, Jiang D, Kesser BW, Siegert R, Triglia JM. International Consensus Recommendations on Microtia, Aural Atresia and Functional Ear Reconstruction. //J Int Adv Otol. – 2019. – Vol. 15(2). – P. 204-208;

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI- «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Болаларда ташқи ва ўрта қулоқнинг малформациясини жарроҳлик даволашни оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Stanford University School of Medicine (АҚШ), Department of Pathology of Cambridge (Буюк Британия), University of Mississippi Medical Center (АҚШ), Harvard Medical School (АҚШ), Ankara University (Туркия), University of British Columbia (Канада), Федерал Тиббиёт ва Биология Агентлигининг Оториноларингология миллий тиббий тадқиқот маркази" Федерал Давлат бюджет муассасаси илмий маркази (Россия Федерацияси), Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санкт-Петербург қулоқ, томоқ, бурун ва нутқ илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси), Казань тиббиёт институти (Россия Федерацияси), Самарқанд давлат тиббиёт университети ва Болалар миллий тиббиёт маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда болаларда ташқи ва ўрта қулоқ туғма нуқсонларини ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини оптималлаштириш бўйича қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: касаллик ривожланишига таъсир қилувчи омилларни янги жиҳатларини аниқланган (Harvard Medical School, АҚШ); аёллар хомиладорлигида витаминлар ва микроэлементлар етишмаслиги натижасида болаларда турли касалликлар келиб чиқиши исботланган (Children's Nutrition Research Center, Department of Pediatrics, Baylor College of Medicine, АҚШ); болаларда ташқи ва ўрта қулоқнинг ривожланишига олиб келадиган ген таркиби аниқланган ва турли

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, [www.washington.edu](http://www.washington.edu), <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбалар.

жарроҳлик усуллари ишлаб чиқилган (University of Oxford, Англия; Harvard Medical School, АҚШ; Hacattepe University, Туркия; University of British Columbia, Канада); болаларда ўрта кулоқ туғма нуқсонларида ўрта кулоқнинг структураларида турли аномалиялар аниқланган (Melburne University, Австралия; Козон тиббиёт институти, Россия Федерацияси); болаларда ташқи ва ўрта кулоқнинг туғма аномалияларига олиб келадиган сабабларни аниқланган (Hacattepe University, Туркия; University of British Columbia, Канада).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида болаларда ташқи ва ўрта кулоқнинг туғма нуқсонларини ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: болаларда кулоқнинг туғма нуқсонларига сабаб бўлувчи ҳавф омилларини аниқлаш; кулоқнинг туғма нуқсонларини ривожланишига ирсий мойиллиги мавжудлигини аниқлаш; касалликни ташхислашда биокимёвий ва иммунологик маркерларини аниқлаш; жарроҳлик амалиётидан аввалги даврда шакллантириладиган ташқи эшитув йўлига кўчириб ўтказиладиган терининг хусусиятларини аниқлаш; ташқи ва ўрта кулоқ туғма нуқсонларини клиник-иммунологик ва молекуляр-генетик ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ташқи ва ўрта кулоқ туғма нуқсони бутун дунёнинг долзарб муаммоси ҳисобланади (Shah K, Knight B, Shermetaro C., 2022; Andrews J, Koracz A.A., Hohman M.H. 2023). Кейинги йилларда ташқи ва ўрта кулоқ туғма нуқсонларининг учраши даражаси ортиши тенденцияси кўпаймоқда (Диаб Х.М. ва ҳам муаллифлар, 2015; Lee M.Y. ҳам муаллифлар, 2020; Lasminingrum L, 2022). Шу билан бирга, ташқи эшитиш йўлининг атрезияси бўлган нормал кулоқ супралаи, шунингдек, камдан-кам ҳолларда бўлса-да, нормал ташқи эшитиш йўли ва нормал тимпаник бўшлиқ билан бирга келган микротиялар ҳақида хабар берилган (Gao R. et all, 2012, Lee M.Y., 2020).

Ташқи эшитув йўлининг туғма стенози ва атрезияси кўпинча микротия, ўрта кулоқ ривожланиши ва юз скелети аномалиялари билан бирга, лекин гоҳида алоҳида ҳам кузатилиши мумкин (Милешина Н.А., Осипенков С.С., Таварткиладзе Г.А, 2018). Кулоқнинг ҳомиладорлик давридаги нотўғри ривожланиши ташқи эшитиш йўлининг, шу жумладан уларни мембранали ва / ёки суяк атрезияси малформациясига олиб келади. Агар бу жараён тўлиқ бўлмаса, бу ташқи эшитув йўлининг суяк қисми ва ноғора парданинг нормал диаметри бўлиши билан, каналнинг тоғай қисмини латерал қисмларини стенозга олиб келиши мумкин. Бу ҳолат ташқи эшитув йўлида холестеатома шаклланишига сабаб бўлади. Клиник жиҳатдан ташқи эшитув йўлининг мальформацияси атретик (апластик) ёки гипопластик (стеноз) бўлиши мумкин. Ташқи эшитув йўлининг малформацияси учун турли кўрсаткичлар, жумладан клиник текширув, рентгенологик, жарроҳлик ва гистопатологик топилмалар асосида бир нечта таснифлар таклиф қилинган. Дунёда олиб борилган кўп сонли илмий тадқиқотлар, қўлга киритилган фан ва техника ютуқларига қарамасдан кулоқ нуқсонларининг кўплаб таснифлари таклиф қилинган (Altmann F. et all, 1955, De la Cruz et all, 1985, Eavey R.D., 1995,

Weerda H, 2004). Ушбу таснифлар натижаларнинг стандартлаштирилган клиник ҳисоботини осонлаштириши ва даволаш аралашуви, ҳамда таққослаш учун прогнозлашга асос бўлиб хизмат қилиши керак. Вақт ўтиши билан таснифлаш тизимлари, айниқса КТ ва МРТ каби замонавий визуализация усуллари билан батафсилроқ бўлди. Шундай қилиб, барча қулоқ нуқсонлари учун битта таснифни тавсия берилиши ноўрин кўринади. Шунини айтиш мумкинки, одатда ташқи эшитиш йўли ва ўрта қулоқнинг нотўғри шаклланиши даражаси билан мос келадиган кондуктив типдаги эшитиш пастлиги ўртасида боғлиқлик мавжуд. Шу билан бирга, ташқи эшитиш йўлининг атрезияси бўлган нормал қулоқ супралаи, шунингдек, камдан-кам ҳолларда бўлса-да, нормал ташқи эшитиш йўли ва нормал тимпаник бўшлиқ билан бирга келган микротиялар ҳақида хабар берилган (Gao R. et all, 2012, Lee M.Y., 2020).

Шундай қилиб, КТ нафақат жарроҳлик амалиётига номзодларни кўрсатибгина қолмай, балки унга қарши кўрсатмаларни ҳам аниқлайди. Ташқи ва ўрта қулоқнинг аномалиялари учун танланган тасниф отохирургга жарроҳлик усулида даволаш тактикасини ва ушбу касалликнинг жарроҳлик амалиётидан кейинги ҳолатни баҳолашга имкон беради. Шунингдек чакка суяк ва ўрта қулоқ касаллигининг рентгенологик ташхисшлаш, прогнозлаш ва кечишини назорат қилишга имкон берадиган тадқиқотлар амалий тиббиёт учун муҳим ва долзарбдир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ "Жағ-юз соҳаси жароҳатлари, нуқсонлари, деформатсиялари ва яллиғланиш касалликларига чалинган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш" лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда ташқи ва ўрта қулоқнинг малформациясини жарроҳлик даволашни оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ташқи ва ўрта қулоқ туғма нуқсонлари бўлган беморларда жарроҳлик аралашуви мураккаблигини аниқлаш учун КТ ташхислаш шкаласини яратиш;

ташқи эшитиш йўли қайта стенози ривожланишига олиб келадиган жарроҳлик аралашувларининг мумкин бўлган қониқарсиз анатомик ва функционал натижалари сабабларини таҳлил қилиш;

ташқи ва ўрта қулоқ туғма нуқсонларини даволашда жарроҳлик пайтида компьютер навигация тизимидан фойдаланиш учун аниқ кўрсаткичларни ишлаб чиқиш;

болаларда ўрта қулоқ аномалияси билан ташқи эшитув йўллари туғма стенозини жарроҳлик усулида даволашнинг оптимал усулини ишлаб чиқиш;

болаларда ўрта қулоқ аномалияси билан ташқи эшитув йўллари туғма атрезиясини жарроҳлик даволашнинг оптимал усулини ишлаб чиқиш;

ташқи ва ўрта қулоқ туғма нуқсонлари бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволашнинг анатома-функционал натижаларини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2020-2023 йилларда Болалар миллий тиббиёт маркази ва Самарқанд давлат тиббиёт университети 1-оториноларингология кафедраси базаси бўлган "SAOMED" хусусий клиникаси назоратидаги 5 ёшдан 18 ёшгача бўлган ташқи ва ўрта кулоқ аномалиялари бор 115 нафар болалар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида аудиологик текширув, чакка суягининг компьютер-томографик ва бош миянинг магнит резонанс томография текширув тасвирлари ташқи ва ўрта кулоқ аномалияларини аниқлаш учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, инструментал (отомикроскопия, эндоскопия, рентген-нур текшируви) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор ташқи эшитув йўли ва ноғора бўшлиғида жарроҳлик аралашувнинг мураккаблик даражасини баҳолаш учун янги КТ ташхислаш шкаласини қўллаш (агар баллар максимал бўлса, чакка суякнинг ҳаётий тузилмаларига зарар етказилмаслиги ёки баллар сони камайса, шикастланиш даражаси юқори бўлиши) исботланган;

илк бор болаларда ташқи эшитув йўллари туғма стенози ва атрезиясини бартараф этишда ўрта кулоқдаги ҳаёт учун муҳим бўлган анатомик аъзоларни жарроҳлик амалиётида жароҳатмаслик учун компьютер навигация тизимидан фойдаланишда чакка суяги соҳасида янги анатомик (глабелла ўртасида, ёноқ суяги ёйи, ёноқ суяги илдизи, чакка суягининг ёриксимон қисми бурма киррасининг юқори чети, чакка суяги чизиғи, сўрғичсимон ўсимтанинг чўққиси) нуқталар аниқланган;

илк бор ташқи эшитув йўлининг қайта стенози ривожланишига ташқи эшитув каналининг суяк қисмининг етарли даражада кенгайтирмаганлиги, ташқи эшитув йўлининг олд деворида кучли тортиб тил лахтагини тикиш, ташқи эшитиш йўлининг суяк қисмини тери лахтаги билан тўлиқ қопланмаслиги, кулоқ супрасида ҳосил қилинган тешикни етарли даражада катта эмаслиги ва тери лахтагининг дистал қисмини кулоқ супрасига мустаҳкам тикилмаслиги сабаб бўлиши исботланган;

илк бор ташқи эшитув йўлининг туғма стенози билан касалланган беморларни даволашда ишлаб чиқилган жарроҳлик усули (ташқи эшитув йўлининг стенозли тоғай қисмининг юқори, орқа ва пастки деворларини олиб ташлаш, кенг каналопластика, суяк ва тоғай қисмини юқори ва пастки қисмлари эркин тери лахтаги билан тўлиқ қоплаш, кулоқ супрасида ҳосил қилинган тешикни каттароқ қилиш, тери лахтагининг дистал учини кулоқ супраси ҳосил қилинган тешигига тикиш) бутунлай эпителизацияга эришиш имконини бериши исботланган;

илк бор ташқи эшитиш йўлининг туғма атрезиясида суяк қисмида ташқи эшитиш йўлини ҳосил қилиш, шакллантирилган суяк ҳалқасига фасциал лахтакни жойлаштириш, ҳосил қилинган ташқи эшитув йўли суяк қисмини тери лахтаги билан тўлиқ қоплаш, кулоқ супрасининг ёки унинг рудиментида тилсимон кесмасини ҳосил қилиш ва уни олдинги деворга мустаҳкамлаш, тери лахтагининг дистал қисмини кулоқ супрасида шакллантирилган тешикка

мустаҳкам тикиш сабабли бутунлай эпителизация ва барқарор кенг ташқи эшитув йўлига эришиш исботланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

илк бор ўрта қулоқнинг туғма аномалияси билан ташқи қулоқнинг малформацияси бўлган беморларда жарроҳлик аралашувнинг мураккаблигини аниқлаш учун КТ ташхислаш шкаласи ишлаб чиқилган;

илк бор болаларда ташқи эшитув йўллариининг туғма стенози ва атрезиясини баргараф этишда ўрта қулоқдаги ҳаёт учун муҳим бўлган анатомик аъзоларни жароҳатмаслик учун компьютер навигация тизимидан фойдаланишда чакка суяги соҳасида янги анатомик нуқталар ишлаб чиқилган;

болаларда ўрта қулоқ аномалияси билан ташқи эшитув йўлининг туғма стенози, ҳамда атрезиясини жарроҳлик йўли билан даволашнинг оптимал усули ишлаб чиқилган.

илк болаларда ташқи эшитув йўли туғма атрезиясини жарроҳлик усулида даволашда неотимпанал мембранани ётқизишда меатотимпанал бурчакнинг шакллантириш муҳимлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда ташқи ва ўрта қулоқ туғма нуқсонлари жарроҳлик усулида даволаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Ташқи ва ўрта қулоқ структураларида туғма нуқсонлари бўлган болаларда кондуктив ёки аралаш типидagi эшитиш пастлигини аниқланиши, чакка суягининг компьютер томографияси ва бош миянинг магнит резонанс томографиясида ўрта қулоқ структураларининг турли аномал ўзгаришлари аниқланиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патологияни жарроҳлик усулида даволашнинг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ташқи ва ўрта қулоқнинг малформацияси бўлган беморларда жарроҳлик аралашувнинг мураккаблигини аниқлаш учун КТ ташхислаш шкаласи ишлаб чиқилганлиги, муҳим бўлган анатомик аъзоларни жароҳатмаслик учун компьютер навигация тизимидан фойдаланишда чакка суяк соҳасида янги анатомик нуқталар ишлаб чиқилганлиги, жарроҳлик йўли билан даволашнинг оптимал усули ишлаб чиқилганлиги, даволашда неотимпанал мембранани ётқизишда меатотимпанал бурчакнинг шакллантириш муҳимлиги исботланганлиги ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник

кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2024 йил 26 августдаги 5– сон хулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* ташқи эшитув йўли ва ноғора бўшлиғида жарроҳлик аралашувнинг мураккаблик даражасини баҳолаш учун янги КТ ташхислаш шкаласини қўллаш (агар баллар максимал бўлса, чакка суякнинг ҳаётий тузилмаларига зарар этказилмаслиги ёки баллар сони камайса, шикастланиш даражаси юқори бўлиши) исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* беморларнинг катта гуруҳида компьютер томографиясида тез-тез учрайдиган янги/ўзгартирилган анатомик хусусиятларни аниқланди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (24.04.2024 й.; №44), Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (6.05.2024 й.; № 22) клиник амалиётига тадбиқ этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган баллар шкаласи атрезіопластикада жарроҳ учун жарроҳлик амалиётини кечиш оғирлигини башорат қилишни таъминлайди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* тавсия берилган бу шкала ёрдамида беморда жарроҳлик амалиёти тахминий башорат қилиш, бу билан ташқи ва ўрта қулоқ мальформатсиялари бўлган беморларда бошқа текширув усулларига ўрин қолмаслиги ва ташқишлаш самарадорлигини оширади, ҳамда 1 нафар бемор ҳисобига сарфланадиган маблағларини 330 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради

*иккинчи илмий янгилик:* болаларда ташқи эшитув йўллари туғма стенози ва атрезиясини бартараф этишда ўрта қулоқдаги ҳаёт учун муҳим бўлган анатомик аъзоларни жарроҳлик амалиётида жароҳатмаслик учун компьютер навигация тизимидан фойдаланишда чакка суяги соҳасида янги анатомик нуқталар аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ташқи ва ўрта қулоқ туғма нуқсонини билан бўлган беморларда жарроҳлик амалиёти вақтида навигатсион тизимни қўллаш, жарроҳлик амалиёти вақтини қисқаришига ва ҳаёт учун муҳим бўлган аъзоларни жароҳатланмаслигини олдини олади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (24.04.2024 й.; №44), Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (6.05.2024 й.; № 22) клиник амалиётига тадбиқ этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* тавсия берилган бу жараён, беморларда жарроҳлик амалиёти вақтида ва жарроҳлик амалиёти вақтидан кейинги даврда келиб чиқадиган турли асоратларни олдини олади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* навигацион усулни бу турдаги беморларда қўллаш жарроҳлик амалиёти вақтини қисқартиради ва 1 нафар бемор ҳисобига сарфланадиган маблағларини 1 400 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

*учинчи илмий янгилик:* ташқи эшитув йўлининг қайта стенози ривожланишига ташқи эшитув каналининг суяк қисмининг этарли даражада кенгайтирмаганлиги, ташқи эшитув йўлининг олд деворида кучли тортиб тил лахтагини тикиш, ташқи эшитиш йўлининг суяк қисмини тери лахтаги билан

тўлиқ қопланмаслиги, кулоқ супрасида ҳосил қилинган тешиқни этарли даражада катта эмаслиги ва тери лахтагининг дистал қисмини кулоқ супрасига мустақкам тикилмаслиги сабаб бўлиши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ташқи эшитув йўлининг қайта стенозини ривожланишига олиб келадиган жарроҳлик аралашувларнинг қониқарсиз анатомик ва функционал натижаларининг сабаблари тушунишга қаратилган яна бир қадамдир. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (24.04.2024 й.; №44), Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (6.05.2024 й.; № 22) клиник амалиётига тадбиқ этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган алгоритм модели асосида, ташқи эшитув йўлини қайта стенозига олиб келадиган сабаблар ўраганилиб чиқиб, атрезииопластика усули такомиллаштирилди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ташқи эшитув йўли туғма атрезиясини бартараф этишдан кейинги эрта ва кечки даврларда шаклланадиган қайта стенозлар шаклланишини олдини олади ва даволаш - профилактикаси самарадорлигини оширади, ҳамда 1 нафар бемор ҳисобига сарфланадиган маблағларини 7 910 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

*тўртинчи илмий янгилик:* ташқи эшитув йўлининг туғма стенози билан касалланган беморларни даволашда ишлаб чиқилган жарроҳлик усули бутунлай эпителизацияга эришиш имконини бериши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ташқи эшитув йўлининг туғма стенози билан касалланган беморларни жарроҳлик усули даволашнинг ишлаб чиқилган усули, бу ташқи эшитув йўлининг стенозли тоғай қисмининг юқори, орқа ва пастки деворларини олиб ташлаш, кенг каналопластика, суяк ва тоғай қисмини юқори, пастки ва пастки қисмлари эркин тери лахтаги билан тўлиқ қоплаш, кулоқ супрасида ҳосил қилинган тешиқни каттароқ қилиш, тери лахтагининг дистал учини кулоқ супрасининг ҳосил қилинган тешигига тикиш бутунлай эпителизацияга эришишга имкон берди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (24.04.2024 й.; №44), Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (6.05.2024 й.; № 22) клиник амалиётига тадбиқ этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган алгоритм модели асосида, ташқи эшитув йўли туғма стенози бўлган беморларни жарроҳлик амалиётидан кейин эшитишини яхшилаш, уларни одатдаги соғлом ижтимоий ҳайтга қайтариш ва ногиронлик гуруҳларидан чиқаришга олиб келади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ташқи эшитув йўли туғма стенози бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволаш ташқари давлат томонидан ногиронликка ажратиладиган маблағларини тежалишига олиб келади ва 1 нафар бемор ҳисобига сарфланадиган маблағларини 2 880 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

*бешинчи илмий янгилик:* ташқи эшитиш йўлининг туғма атрезиясида суяк қисмида ташқи эшитиш йўлини ҳосил қилиш, шакллантирилган суяк ҳалқасига фассиал лахтакни жойлаштириш, ҳосил қилинган ташқи эшитув

йўли суяк қисмини тери лахтаги билан тўлиқ қоплаш, кулоқ супрасининг ёки унинг рудиментида тилсимон кесмасини ҳосил қилиш ва уни олдинги деворга мустаҳкамлаш, тери лахтагининг дистал қисмини кулоқ супрасида шакллантирилган тешикка мустаҳкам тикиш сабабли бутунлай эпителизация ва барқарор кенг ташқи эшитув йўлига эришиш исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ташқи эшитиш йўлининг туғма атрезиясида ўлчамаи 10 мм ва ундан катта бўлган суяк қисмида ташқи эшитиш йўлини ҳосил қилиш, шакллантирилган суяк ҳалқасига фасциал лахтакни жойлаштириш, ҳосил қилинган ташқи эшитув йўли суяк қисмини тери лахтаги билан тўлиқ қоплаш, кулоқ супрасининг ёки унинг рудиментида тилсимон кесмасини ҳосил қилиш ва уни олдинги деворга мустаҳкамлаш, тери лахтагининг дистал қисмини кулоқ супрасида шакллантирилган тешикка мустаҳкам тикиш бутунлай эпителизацияга эришишга имкон беради, бу эса ушбу касалликни жарроҳлик усулида даволашни яхшироқ тушунишга қаратилган яна бир қадамдир. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (24.04.2024 й.; №44), Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (6.05.2024 й.; № 22) клиник амалиётга тадбиқ этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Тавсия этилган алгоритм модели асосида, ташқи эшитув йўли туғма атрезияси бўлган беморларни жарроҳлик амалиётидан кейин эшитишини яхшилаш, уларни одатдаги соғлом ижтимоий ҳайтга қайтариш ва ногиронлик гуруҳларидан чиқаришга олиб келади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ташқи эшитув йўли туғма атрезияси бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволаш ташқари давлат томонидан ногиронликка ажратиладиган маблағларини тежалишига олиб келади ва 1 нафар бемор ҳисобига сарфланадиган маблағларини 2 880 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.


**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 194 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган; тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилингани тўғрисида, шунингдек, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг «**Ташқи ва ўрта кулоқ туғма нуқсонлари муаммосининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида ташқи ва ўрта кулоқ туғма нуқсонлари учраш частотаси, тарқалиши, эмбриологияси ва патогенези муаммоси замонавий ҳолатини очиб беришга қаратилган маълумотлар келтирилган адабиётлар шарҳи баён этилган. Ташқи ва ўрта кулоқ туғма нуқсонларида патогенезнинг генетик механизмлари ва ташхислашда турли рентгенологик текширувлар, ҳамда шу текширувлардан тавсия берилган таснифлар тасвирланган. Жарроҳлик усулида ушбу касалликларни даволашнинг қисқача тарихи ва ҳозирги даврдаги дунёда қўлланилиб келаётган усулларнинг замонавий талқини кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида Болалар миллий тиббиёт маркази ва Самарқанд давлат тиббиёт университети 1-оториноларингология кафедраси базаси бўлган "SAOMED" хусусий клиникаси базасида олинган маълумотлар тасвирланган. 2021-2023 йилларда 5 ёшдан 18 ёшгача бўлган ташқи ва ўрта кулоқ аномалиялари бўлган 115 нафар бемор текширилди.



*1-расм. Беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши*

1-расмда ташқи кулоқнинг туғма нуқсонлари билан ўрта кулоқнинг бирга келаётган аномалиялари бўлган беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши натижалари келтирилган.

Бизнинг ўз илмий ишимизда кулоқ туғма нуқсонларининг энг кўп қўлланиладиган таснифларни ҳисобга олдик. Ташқи эшитув йўли туғма атрезияси учун биз Weerda таснифига мурожаат қилдик. Операция

натижаларининг прогнозини дастлабки баҳолаш учун биз Jahrsdoerfer нинг таснифига мурожаат қилдик.

Шунга кўра, ишнинг мақсади ва вазифалари, ҳамда юқоридаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, барча текширилган ва жарроҳлик амалиётидан ўтган беморлар иккита асосий гуруҳга бўлинган:

I- гуруҳ 52 (45,2%) бемордан иборат бўлиб, ташқи эшитув йўлининг тоғай-суяк қисми туғма стенози ёки ташқи эшитув йўлининг тоғай қисми стенози ва ташқи эшитув йўлининг медиал (суяк) қисмлари атрезияси, нормал ёки енгил гипопластик ноғора бўшлиғи, деформацияланган эшитиш суякчалар ва яхши ҳаво айланувчи сўрғичсимон ўсимта хужайралари;

II- гуруҳда 63 нафар (54,8%) ташқи эшитув йўли ривожланмаган, ўрта кулоғи гипопластик, эшитув суякчалар кучли деформацияланган, бундан ташқари, сўрғичсимон ўсимтанинг пневматизацияси ривожланмаганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Ташқи кулоқ ва ўрта кулоқнинг ривожланиш нуқсонлари билан оғриган беморларни ўрганишдаги шахсий натижалар» деб номланган учинчи бобида 2021-2023 йй.да Болалар миллий тиббиёт марказининг пластик жарроҳлик ва оториноларингология бўлими ҳамда “SAOMED” хусусий клиникасида изланиш олиб борилди. Тадқиқотда 115 бемор иштирок этди, гуруҳлар юқорида келтирилди.

Операциядан олдинги даврда ташқи кулоқнинг нуқсонлари бўлган барча беморларга талабларга мувофиқ тематик карталар тўлдирилган ва олинган маълумотлар таҳлил қилинган.

Жарроҳлик усулида даволаниш учун шифохонага мурожаат қилишда I- гуруҳ беморларининг шикоятлари қуйидагича эди (1-жадвал).

**1-жадвал.**

### I- гуруҳ шикоятлари

Шикоятлар	n (беморлар сони)	% (улуш)
Эшитиш пастлиги	52	100
Кулоқдан ажралмани келиши	4	7,7
Кулоқ супрасининг деформацияси	25	48,1
Кулоқдаги оғриқ	4	7,7
Кулоқдан ҳидни келиши	4	7,7
Кулоқдаги шовқин (домий / вақти билан)	7	13,5
Вестибуояр бузилишлар	3	5,7
Юз соҳасининг аномалияси	2	3,8

5 (9,6%) та ҳолатда ҳамроҳ бўлган ирсий касаллик бўлган: 1 (1,9%) та ҳолатда Трейчер-Коллинс синдроми, 4 (7,7%) та ҳолатда - Голденхар синдроми.

Жарроҳлик усулида даволаш учун касалхонага мурожаат қилган II-гуруҳ беморларининг шикоятлари қуйидагича бўлган (2-жадвал):

**2- жадвал.**

### II-гуруҳ беморларининг шикоятлари

Шикоятлар	N (беморлар сони)	% (бўлак)
Эшитиш пастлиги	63	100

Қулоқ супрасининг деформацияси	46	73
Қулоқдаги шовқин (доимий / вақтинчалик)	9	14,3
Юз соҳасидаги аномалиялар	4	6,3

8 (12,7%) та ҳолатда бирга келадиган генетик касаллик - Голденхар синдромлари мавжудлигига.

Жарроҳлик амалиётидан олдинги тонал бўсаға аудиометрияси натижалари 3-жадвалда келтирилган.

**3-жадвал.**

**Жарроҳлик амалиётигача тонал бўсаға аудиометриясининг ўртача қийматлари**

Тональной бўсаға аудиометриясининг кўрсаткичлари	Ўртача қиймат, дБ	
	I-гуруҳ	II-гуруҳ
Суяк ўтказувчанлининг бўсағаси	12,4±14,3	11,7±17,2
Ҳаво ўтказувчанлининг бўсағаси	55,7±21,3	57,6±23,8
Суяк- ҳаво интервали (СҲИ)	43,3±20,4	45,6±21,7

Чакка суякларнинг КТ маълумотларига кўра ўрта қулоқ тузилмаларининг структуравий хусусиятларини ўрганиш асосида прогностик балл шкаласи ишлаб чиқилди (4- жадвал).

**4- жадвал.**

**Ўрта қулоқнинг структуравий хусусиятларига асосланган ҳолда балларни тақсимланиши**

Анатомикхусусиятлар	Топилмалар	Баллар
Медиал канал диаметри	9 мм дан 11 мм гача	2
	7 мм дан 9 мм гача	1
	<7 мм кам	0
Юз нервини олдинга вертикал жойлашуви	нормал	2
	енгил дислокация	1
	кучли дислокация	0
Сўргичсимон ўсимта томининг позицияси	Ўрта қулоқ юқори деворидан 25% гача (нормал ҳолат)	2
	Ўрта қулоқ юқори деворидан 25% дан 50% гача (енгил пастга осилган)	1
	Ўрта қулоқ юқори деворидан 50 % дан кўп (кучли пастга осилган)	0
Ноғора бўшлиғининг ҳажми	>0, 50 мм <sup>3</sup>	2
	0,35 дан 0,50 мм <sup>3</sup> гача	1
	< 0,34 мм <sup>3</sup>	0
Болғача-сандонча комплекси (БСК)	нормал	1
	латерал	0
Даҳлиз дарчасига нисбатан юз нервининг жойлашуви	Даҳлиз дарчаси тўсилмаган	1
	Даҳлиз дарчаси тўсилган	0
Ўрта қулоққа нисбатан юз нервининг жойлашуви	вертикал йўналиш ротацияланган	0
	Нормалвертикал йўналиш	1
Сандонча-узанги бурчаги	>65°	0

	<65°	1
Баллар йиғиндиси		12 (max)

Натижага таъсир қилувчи жарроҳ учун жарроҳлик асоратлари даражасини кўрсатадиган баллар йиғиндиси (5- жадвал).

#### 5- жадвал

#### Жарроҳлик амалиётининг мураккаблик даражасининг прогнози

Жарроҳлик амалиётининг кутилган натижаси	Баллар			
	12-10	9-7	6-5	> 4
	A	B	C	D

*Изоҳ:* A- нисбатан мураккаб операция; B- мураккаб операция;  
C- жуда мураккаб операция; D-операция кўрсатилмаган

Шундай қилиб, атрезиплатикани ўтказиш тўғрисидаги қарор асосан жарроҳдан КТ анатомиясини тўлиқ билишлилик ва муваффақиятли жарроҳлик режасини ишлаб чиқиш қобилиятига асосланилади.

Диссертациянинг «Ташқи ва ўрта қулоқ нуқсонларини жарроҳлик усулида даволаш» деб номланган тўртинчи бобида ташқи ва ўрта қулоқда туғма нуқсони бўлган бемор болаларда туғма нуқсоннинг турига қараб жарроҳлик тактикаларига боғлиқ маълумотлар келтирилган.

Барча 52 та бемор умумий эндотрахеал наркоз остида жарроҳлик амалиётига олинган. Бемор чалқанча ётган ҳолда, боши ёнтомонга бурилиб, стандарт қулоқ орқасидан кесма амалга оширилади. Шундан сўнг, ташқи эшитув йўлининг териси орқадан, юқори ва пастдан суякдан ажратилди. Бор билан нормал кенгликдаги ташқи эшитув йўли анатомиясига яқин келадиган ташқи эшитув йўлининг стенозли суяк қисмини 10 мм ёки ундан кўпроқ кенгайтириш билан амалга оширилди. Ташқи эшитув йўлининг стеноз майдони ўткир кесувчи бурғу ёрдамида кенгайтирилди ва унинг стеноз қисми олмосли бурғу билан юқорига, орқага ва пастга кенгайтирилди.

Стенозли ташқи эшитув йўли рудиментар ноғора парданинг барча чегаралари очилгунга қадар кенгайтирилди. Шундан сўнг, рудиментар ноғора парда тўлиқ очилганидан сўнг, унинг устидаги эпидермис аста-секин ажратилади ва стенозли ташқи эшитув йўлининг олд деворидаги тери кўчирилиб, олдинга ташланади.


Каналопластикадан сўнг, тимпанотомия босқичи рудиментар ноғора пардани кўтариш ёки олиб ташлаш орқали амалга оширилди. Ташқи эшитув йўлининг юқори, орқа ва пастки қисмларини олмосли бурғу билан олиб ташлаш орқали рудиментар ноғора парданинг суяк ҳалқаси кенгайтирилди.

Агар беморда сандонча аномалияси бўлса, узанги деформацияланган бўлиб, аммо ҳаракатлар сақланиб қолган ва юз нервининг ноғора сегменти суяк каналида жойлашган бўлса, жарроҳлик тактикаси болғача ва сандончани олиб ташлаш, сўнгра оссикулопластика қилишдан иборат бўлди. Бунда Teflon ли протез (PORP) узанги бошчаси билан аутофасция ўртасида ўрнатилган. Протезнинг дистал қисми

неотимпанал мембранадан аутоотоғайли пластинка билан ажратилган ва у қулоқ супрасидан олиниб, узангининг бошчасига ўрнатилди.

Агар беморда юз нервининг ноғора сегменти дегисценцияси аниқланса, протез учун аутоотоғайдан фойдаланилди. 7 та беморда (13,4%) узанги гипоплазияси ёки унинг йўқлиги ва юз нерви суяк каналида жойлашган бўлганида оссикулопластика TORP тифлонли протездан фойдаланилди. Бунда юз нервининг суяк девори дегисценцияси аниқланганида, колумелла шаклдаги аутоотоғай ишлатилди ёки таблетка шаклида узангининг бошчасига ўрнатилди ва таблетка шаклидаги аутоотоғай эса аутофасция бўлаги (неотимпанал мембрана) остига жойлаштирилди.


Ташқи эшитув йўлининг кириш қисмини кенгайтириш мақсадида ташқи эшитиш йўлининг тоғай қисмини олдинги деворини сақлаб қолган ҳолда, стенозли ташқи эшитув йўлининг юқори орқа ва пастки қисмлари монополяр билан кесилди. Ташқи эшитиш йўлининг кириш қисмини янада кенгайтириш ва жароҳат юзасига жойлаштириш учун ишлатиладиган тери лахтаклари майдонини ошириш мақсадида қулоқ супраси ўртасидаги ботиклик (cavitas conche) соҳасидаги тоғай кесилган (2-расм).



**2 – расм.** а) ўнг томонлама ташқи эшитув йўли тоғай қисмининг туғма стенози ва ташқи эшитув йўлининг медиал (суяк) қисмлари атрезияси билан оғриган беморнинг отоскопик тасвири; б) ташқи эшитув йўлининг стеноз қисмини кенгайтириш учун кесма қилинган қулоқ супрасининг майдони; в) скапел билан кесилгандан сўнг, тўқима монополяр пичоқ билан кесилади; г) қулоқ супраси ҳудудидан тўқима олиб ташланганидан кейин отоскопик тасвир.

Ботиклик соҳасидаги қулоқ супраси тоғай қисмининг кесилиши жароҳат юзасига жойлаштириш учун ишлатиладиган тери лахтакларининг майдонини оширишга имкон берди.

Мактабгача ёшдаги болалар учун (5-6 ёш) 6 x 4 см ўлчамдаги тўлик қалинликдаги тери трансплантати, мактаб ёшидаги болалар учун (7-16 ёш) – 7 x 5, 9 x 6 см ва ўсмир ёшидаги болалар учун (16-18 ёш) - 10 x 6 см (3-расм).




**3– расм.** Чов соҳасидан олинган барг шаклидаги тўлиқ қатинликдаги тери трансплантати

Агар ташқи эшитув йўлида холестеатома аниқланган бўлса, ноғора бўшлиқни санитария қилиш амалга оширилди.

Ташқи эшитув йўлининг кенгайтириш ёки холестеатомани олиб ташлангандан сўнг, чакка мушакдан олинган аутофасция (неотимпанал мембрана) underlay усули ва рудиментар ноғора пардани олиб ташланганда, янги ҳосил қилинган ноғора парданинг суяк ҳалқасига неотимпанал мембрана ётқизилади. Биз неотимпанал мембранани янги суяк ҳалқасига шундай жойлаштирдикки, бунда меатотимпанал бурчак ҳосил қилиш муҳим эди (4-расм).

Ташқи эшитув йўлининг қолган суяк қисми, яъни юқори, орқа ва пастки қисмлари тўлиқ қалинликдаги тери лахтаги билан қопланган. Тери лахтагида бир нечта кесмалар қилинади. Ташқи эшитув йўли Мироцел билан тампонада қилинади.



**4 – расм.** Янги ҳосил қилинган суяк ҳалқасига неотимпанал мембранани жойлаштириш. 1-неотимпанал мембрана; 2- меатотимпанал бурчак.


Унинг дистал қисми 6-сонли пролен ип билан қулоқ супраси соҳасидаги очилган тешикка алоҳида тугунлиги чок билан мустаҳкамланади. Олд томондан тўлиқ қалинликдаги тери лахтаги № 6 Пролен ип билан ташқи эшитув йўлининг олдинги қисмидаги сақланиб қолган териға тикилади.

Агар беморда ташқи эшитув йўлининг стенози ва суяк қисмининг атрезияси бўлса, у ҳолда чакка мушакдан олинган фасция эшитиш суякчалари аппаратга ёки эшитув йўли билан чекланган протезга қўлланилади. Тўлиқ қалинликдаги терининг проксимал қисми ташқи эшитув йўлининг суяк қисми

юзасига айлана шаклида ётқизилди. Бундай ҳолда, тери ташқи эшитув йўлининг олд деворини қоплайдиган ҳолатда жойлаштирилади.

Неотимпанал мембрана устидаги ҳосил бўлган ташқи эшитув йўлига, ташқи эшитув йўли бўйлаб тўлиқ қалинликдаги тери трансплантати жойлаштирилади. Бундай ҳолда, ташқи эшитиш каналининг олд девори ҳам тўлиқ қалинликдаги тери лахтаги билан қопланади. Ташқи эшитув йўли Мироцел билан тампонада қилинади.

Унинг дистал қисми кулоқ супраси соҳасида очилган тешик майдонига №6 пролен ип билан алоҳида чоклар билан мустаҳкамланади. Олд томондан тўлиқ қалинликдаги тери лахтаги № 6 Пролен ип билан ташқи эшитув йўлининг олдинги қисмидаги сақланиб қолган териға тикилади.




*5 – расм. Кулоқ супрасида ҳосил қилинган тешик соҳасига тўлиқ қалинликдаги терининг дистал қисмини тикиш.*

Шундан сўнг, кулоқ орқасидаги жароҳат № 4 викрил билан қаватма қават тикилади. Жароҳатга асептик боғлам қўйилди.

Барча 63 та беморга умумий эндотрахеал оғриқсизлантириш остида жарроҳлик амалиёти бажарилди. Бемор чалқанча ётган ва боши ён томонга бурилган ҳолда, кулоқ супрасининг орқасидан (ёки унинг рудиментар шаклланишлари) кесма қилинди.

Ташқи эшитув йўлининг туғма атрезияси учун биз орқа ёндашувни танладик. Аномалиялар турлича бўлганлиги ва юз нерви, ҳамда ўрта мия чуқурчасини жароҳатмаслиги учун биз аввал антрум соҳаси аниқланган.

Буни амалга ошириш учун биз биринчи навбатда чакка чизиғи ва сўрғичсимон ўсимтадан унга перпендикуляр қўшимча чизик тортдик. Икки чизикнинг бирлашмасининг ички бурчаги майдони антрум проекцияси сифатида баҳоланди.



**6 – расм.** Янги ташқи эшитув йўлини шакллантириш учун янги соҳа: 1) *linea temporalis*; 2) *пастки жағ- чакка бўғими*; 3) *кесма ўтказилган соҳа*; 4) *сўргичсимон ўсимта соҳасидан ўтадиган чизик*; 5) *бурғулаш жойи*.

Антротомияни бажаргандан сўнг, бурғулаш олд томондан ва юқорига давом этди. Бундай ҳолда, горизонтал ярим айланасимон канал антрумга тушганликнинг асосий белги сифатида баҳоланди. Антрумни аниқлагандан сўнг, у мастоидоэктомия амалиёти амалга оширилиб кенгайтирилиб, антромастоидотомия бажарилади. Шундан сўнг сандончанинг қисқа ўсиғини аниқлаш учун *aditus ad antrum* томон кенгайтиришда давом эттирилди.

Агар беморда сандонча аномалияси бўлса, узанги деформацияланган бўлиб, аммо ҳаракатлар сақланиб қолган ва юз нервининг ноғора сегменти суяк каналида жойлашган бўлса, жарроҳлик тактикаси болғача ва сандончани олиб ташлаш, сўнгра оссикулопластика қилишдан иборат бўлди. Бунда Teflon ли протез (PORP) узанги бошчаси билан аутофасция ўртасида ўрнатилган. Протезнинг дистал қисми неотимпанал мембранадан аутоотоғайли пластинка билан ажратилган ва у қулоқ супрасидан олиниб, узангининг бошчасига ўрнатилди.

Агар беморда юз нервининг ноғора сегменти дегисценцияси аниқланса, протез учун аутоотоғайдан фойдаланилди. 6 та беморда (9,5%) узанги гипоплазияси ёки унинг йўқлиги ва юз нерви суяк каналида жойлашган бўлганида оссикулопластика TORP тифлонли протездан фойдаланилди. Бунда юз нервининг суяк девори дегисценцияси аниқланганида, колумелла шаклдаги аутоотоғай ишлатилди ёки таблетка шаклида узангининг бошчасига ўрнатилди ва таблетка шаклидаги аутоотоғай эса аутофасция бўлаги (неотимпанал мембрана) остига жойлаштирилди.

Тери лахтагини олдинги оёқчасида шакллантирилганидан сўнг, қулоқ супрасининг тагидан тоғай ва фиброз тўқималар бутунлай олиб ташланди ва тери мобилизация қилинди.

Ҳосил бўлган тил шаклидаги лахтак, агар у узун бўлса, № 5 Викрил ипи билан суяк деворида қилинган тешиқларга тикилди ва чакка мушагининг фасциал лахтаги устига қўйилади.

Шундан сўнг, чов соҳасидан олинган барг шаклидаги тери лахтагининг икки учидаги тери кесилади ва ўртадаги қолган тери лахтагининг ташқи юзаси "ўралган гилам"га ўхшаш тери трубкаси тайёрлаш учун ичкарига букланади.

Шундан сўнг, тери шакллантирилган ташқи эшитув йўлига қўйилади ва аста-секин олд девордан бошлаб, тери эшитув каналининг бошқа деворларига ёйиб очилади.

Жарроҳлик амалиётидан сўнг шакллантирилган ташқи қулоқ каналидан тампон олиб ташланганда тери лахтагининг ҳаракатланмаслигини таъминлаш учун тери лахтаги устига "Х" шаклидаги иккита латекс тасмаси қўйилади.

Шундан сўнг, ташқи эшитув йўлига Мирацел тампон қўйилади ва унга антибиотиклар билан аралаштирилган 0,9% натрий хлорид эритмаси қуйилди.

Ташқи эшитув йўлининг тампонадаси Мирацел билан амалга оширилганидан сўнг, тери лахтагининг дистал қисмининг чеккалари ўртага қулоқ супрасида шакллантирилган тешиқдан ташқарига чиқаришдан олдин

ўртага букиб етилади. Шундан сўнг, уч жойдан кулоқ орқасидаги жароҳатнинг тери ости қатламига № 4 Викрил билан тугунли чок қўйилди.

Шундан сўнг, букланган тери рудиментар кулоқ супрасида яратилган тешикдан ташқарига чиқарилди ва Пролен № 6 ипи ёрдамида кулоқ супрасига тугунли чоклар билан тикилади.

Шундан сўнг, кулоқ ортидаги жарроҳлик жароҳатини қаватма-қават викрил №4 билан тикилди. Тикилган жароҳат усти асептик боғлам билан боғланади.

Диссертациянинг «**Ташқи ва ўрта кулоқ туғма нуқсони бўлган беморларда жарроҳлик амалиётидан кейинги анатомик ва функционал натижалар таҳлили**» деб номланган бешинчи бобида беморларда жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта ва узоқ даврларда анатомо -функционал натижаларга боғлиқ маълумотлар келтирилган. Биринчи қабул барча беморларда тампонни олган кундан бошлаб 2 ҳафта ўтгач амалга оширилди. Шундан сўнг 6 ой давомида ҳар ойда бир марта қайта кўрикдан ўтказилди. 6 ойдан кейин қабул ҳар 3 ойда ва 2 йил давомида амалга оширилди.

Жарроҳлик даволашдан кейин турли вақтларда анатомик ва функционал натижалар қайд этилди: жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта давр - 1 ойдан 6 ойгача, жарроҳлик амалиётидан кейинги узоқ давр - 1 йилдан 2 йилгача.

Функционал натижаларни баҳолаш учун тонал бўсаға аудиограммаларининг таҳлили ўтказилди. Самарадорликни баҳолаш мезонлари эшитиш пастлиги даражаси ва суяк-ҳаво интервалининг қисқариши бўлди.

Бундан ташқари, беморлар жарроҳлик амалиёти вақтида ноғора бўшлиғи текширувдан ўтказилди ва чакка суякларнинг жарроҳлик амалиётидан олдинги компьютер томографияси маълумотлари билан таққосланди.

I- груҳда ўрта кулоқ тузилмаларининг индивидуал хусусиятлари, чакка суягининг жарроҳлик амалиётидан олдинги ноғора бўшлиғининг компьютер томографиясига кўра, 91% ҳолларда жарроҳлик амалиёти вақтидаги топилмалар билан мос келади.

II- груҳда ўрта кулоқ тузилмаларининг индивидуал хусусиятлари, чакка суягининг жарроҳлик амалиётидан олдинги ноғора бўшлиғининг компьютер томографиясига кўра, 97% ҳолларда жарроҳлик амалиёти вақтидаги топилмалар билан мос келади.

Ташқи эшитув йўлининг туғма нуқсонларини жарроҳлик усулида даволашдан кейин анатомик натижаларини баҳолаш учун биз асосан учта баҳолаш мезонларини асосландик: "яхши", "қониқарли" ва "қониқарсиз".

Биз эрта ва кеч даврларда юқорида кўрсатилган тўртта асоратлардан бирортасининг аниқланмаганида "яхши" анатомик натижа деб баҳоладик.

